

Бехзод ДЖАФАРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ўқитувчиси

АБДУЛҚОДИР МАРОҒИЙНИНГ «МАҚОСИД УЛ-АЛҲОН» – АСАРИНИНГ МАШҲАД НУСХАСИ

Ўрта асрларда ёзилган муסיқага оид шундай асарлар борки, улар нафақат муסיқашунослик балки, лингвистика, адабиётшунослик, манбашунослик учун ҳам кадрли саналади. “Мақосид улалхон” ана шундай ёзма битиклардан саналиб, у XIV аср охири XV аср бошларида яшаб ижод этган муסיқашунос, шоир, созанда, ҳаттот, наққош ва ҳофиз Қуръон Абдулқодир Ғайбий Ҳофиз Мароғий томонидан форс тилида битилган ва унда асосан, муסיқа назарияси кенг ёритилган. Эроннинг Машҳад шаҳридаги “Остонэ Қўдс” кутубхонасида мазкур асарнинг қўлёзма нусхаси сақланадики, эронлик олимлар бу нусхани Мароғий ўз қўли билан ёзганлигини таъкидлайди.

Аслида “Мақосид улалхон” асарининг бир қанча нусхалари мавжуд бўлиб, улардан бири Нури Усмония нусхаси 1413-йилда (ҳижрий 816-йил) Шохруҳ Мирзога бағишлаб ёзилганлиги таъкидланади. Аммо эронлик олим Тақи Биниш бу борада бошқача фикрда: “Мен ўша нусхадан тайёрлаган фотосуратлар ёрдамида кўпгина маълумотларга эга бўлдим. Бу нусха ҳижрий 818-йил сафар ойининг учинчи шанбасида Абдулқодирнинг қўлёзмаси билан ёзилган.

Абдулқодир китобнинг дебчасида шундай ёзади: “Бу китобни ўз фарзандларим Нуриллоҳ Абдулрахмон ва Низомиддин Абдулрахимлар учун ёзганман”. Охирида ўз мухрини ҳам қўйган. Китоб муқаддима, ўн икки боб ва хулосадан иборат. Хотима, хулоса ва боблар бир нечта фаслларга эга. Хотиманинг иккинчи фаслида турли хилдаги мавзулардаги 45 та “мажлис” бор. Ҳар бир мажлисда ўша мажлис мавзусига оид шеърлар муסיқа калитида зикр этилган. Бу шеърлар кўпроқ форсий, арабий, туркий тилларда, шунингдек, маҳаллий лаҳжаларда ёзилган. Анварий, Фирдавсий, Низомий, Имомий, Салмон Ромий, Мажир Билқоний, Сирож Қамарий, Қутб Широзий, Камол Исмоил ва Ҳофиз Ҳамадонийлар шулар жумласидан”.

Инглиз муסיқашунос Г. Ж. Формернинг айтишича, “Мақосид улалхон” Мароғийнинг иккинчи асаридир. Г. Ж. Формер бу асарнинг уч нусхасини таништиради: Биринчи нусха Британиядаги Бодлиан кутубхонаси нусхаси, иккинчиси Истанбулдаги Рауф Иқтобек кутубхонасидаги нусха ва учинчиси Голландиядаги Лийдан университети кутубхонасида сақланаётган нусха. Унинг тахминича,

Бодлиёндаги номсиз нусха (Ously 261) “Мақосид улалхон” бўлиши мумкин. Тақи Биниш Бодлиён кутубхонасидаги картотекани кузатиб Бодлиён кутубхонасида “Мақосид улалхон”нинг икки нусхаси борлигини хулоса қилади. Бири № 1843 рақам билан ҳижрий 821-йилнинг шаввол ойининг 21-санасида ва иккинчиси №1844 рақам билан ҳижрий 1088-йилнинг муҳаррам ойида ёзилган. Бу нусха ҳижрий 842-йилнинг рамазон ойида ёзилган бошқа нусхадан кўчириб ёзилган.

“Мақосид улалхон” энг қадимий ва яхши нусхаси Машҳаддаги “Остонэ Қўдс” кутубхонасидаги нусхадир. Мазкур нусха муаллифнинг нафис қўлёзма хатида ҳижрий 821-йилнинг рамазон ойида ёзилган. Унда муаллифнинг қимматли эсдаликлари ва тузатишлари ҳам бор. Эронлик олим доктор Фаёз биринчилардан бўлиб бу нусханинг аҳамиятлигини ва мўътабарлигини англай олди. У “Армуғон” журналида “Остонэ Резавий кутубхонасидаги энг қадимий китоб” номи остида мақола чоп этади ва у ерда мазкур нусха ҳақида шундай дейилади: “Хўжа Абдулқодир Мароғийнинг “Мақосид ул алхон” асари мусиқа илми ҳақидадир ва муаллифнинг қўлёзмасида (яъни ўз қўли билан) битилган. Бу асар беназир ва ягонадир”.

“Остонэ Қўдс” кутубхонаси каталогининг учинчи жилдида ва Машҳаддаги “Малак миллий кутубхонаси ва музейи”нинг интернетдаги расмий сайтида бу манбага оид баъзи шарҳлар берилган. Бу шарҳда нусха ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

- Варақлар сони 88 та
- Ўлчами 17x25 см
- Ҳар саҳифада 15та баъзан 16та сатр мавжуд
- Қўлёзманинг асосий матни қалин қилиб насх хатида, ҳошияси эса матн ёзувига нисбатан ингичкароқ насталиқ хатида битилган.
- Сарлавҳалар, мусиқий доиралар¹, исмлар, баъзи бир мусиқий термин ва белгилар киноварда ёзилган.

¹ Асарда назарий масалалар доира, жадвал тариқасида ҳам берилди.

– Қўлёзмадаги *расм ул-хат* қоидалари (яъни, каллиграфия қонун-қоидалар) одатийдир, аммо, баъзан қоидаларнинг қадимий белгилари ҳам учраб туради. Масалан, “ک” сўзи ўрнига “کى” ва яна ب, ز, ج, ڤ ҳарфлари ўрнига ڤ, ڤ, ڤ, ڤ ҳарфлари ёзилганини кўришимиз мумкин. Лекин ڤ ва ڤ қоидаларига риоя қилинмаган. Нусха жуда қаттиқ ва имло хатолар ва ҳатто *сахв ул-қалам* (қалам майдони) жуда камдир.

“Мақосид ул алхон” муқаддима, ўн икки боб ва бир нечта фасллардан иборат. Муқаддима қисмида хутба берилган бўлиб, у қисқа баён санъати билан безатилган. Сўнгра, асар ёзиш сабаблари баён этилади ва охирида боблар ва фасллар мавзулари мундарижаси келтирилади. Мароғий асар муқаддимасида шундай ёзади: “Мазкур китобни ўтмишдаги устозлар сўзлари асосида ёздим, токи китобхонлар бошқа асарларга мурожаат қилиб ўтиришмасин. Бунда мухтасар ва қисқа йўлдан бордим. Мароғий китобхонларга осон бўлиши учун асарининг боблари ҳақида қисқагина маълумотлар мундарижасини ҳам беради.

Биринчи боб (17 – 13 бетлар) товушнинг пайдо бўлиши, қандай омилларга боғлиқлиги ҳақидадир. Кейин нағма ва бўъд (фосила) тавсифлари келади. Иккинчи боб (1434 саҳифалар) торларни қандай қилиб керакли нисбатларга (пардаларга) тақсимланиш ҳақидадир. Сўнгра, бир нечта фасл бўъдларни жам (жамлаш), тансиф (бўлиш), тазъиф (икки баробар қилиш) ва мусиқага оид математик ҳисоблар ҳақида бўлади. Шунингдек, бу бобда торларни сошлаш ҳақида ҳам гап кетади. Учинчи бобда (35 – 54 саҳифалар) қадимда *зиларба* (quartuple) ва *зилхамс* (quintus) деб номланган ва Эрон мусикасининг асосий гаммаси деб ҳисобланган 4 ва 5 нисбат (rapport) ҳақида баҳс кетади. Кейинги мавзуларда яъни тўртинчи (55 – 57 саҳифалар), бешинчи (58 – 69 саҳифалар), олтинчи бобларда (70 – 76 саҳифалар) “давралар” (гаммалар), ашулалар, қадимий шўъбалар ва уларга оид илмий масалалар юзасидан баҳс юритилган. Еттинчи бобда (77 – 83 саҳифалар) эса математик ҳисоблашда бўлиши

мумкин бўлган хатолар ҳақида сўз кетади. Саккизинчи боб (84 – 86 саҳифалар) мавзуси қадимда *интиқол* деб номланган тоннинг баландлигидаги ўзгаришга бағишланган. Тўққизинчи бобда (87 – 99 саҳифалар) асосий пардалар ва торлар устига бармоқ тушириш тартиби ёритилади. Ўнинчи бобда (100 – 106 саҳифалар) эса қадимги мулоҳазалардан бўлмиш мусикий нағмаларнинг соғлиққа таъсири ҳақида баҳс юритилади. Уларнинг орасида *тасниф*ларнинг қурилиши борасида ҳам фикр юритилган. Чолғу созлашнинг турли услублари, симларнинг гармонияси ва турли хил *таржиот*ларни (accompagnement) ўн биринчи бобда (107 – 115 саҳифалар) ўқиш мумкин. Ўн иккинчи боб (114 – 121 саҳифалар) энг охириги ва муҳим боб бўлиб, унда қадимги *хунёғари* (қўшиқчилик) одоби ёритилиб берилган. Бу бобда шундай бир фасл берилганки, унда турли хил созлар, созандалар ва санъаткорлар ҳақида маълумотлар берилади.

Тарих нуқтаи назаридан форс насрининг ривожда “**Мақосид улалҳон**” асарининг ўрни алоҳида. Мазкур китобда қўлланилган наср гарчи арабча сўзлар ва мусикий терминлар билан қоришиб кетган бўлса ҳам, унда қадимги даврлардаги сўз ва сўз бирикмаларини алмаштирилиб ишлатилган ҳоллари ҳам учрайди. Муаллиф асарнинг бошидан охиригача мусиқага оид масалалар баёни учун келтирилган илмий терминлар ва турли хил муодиллар диққат ва эътибор билан тадқиқ этишга арзийди.

Эронлик олим Тақи Биниш 1977 йилда Машҳаддаги нусха асосида “**Форсий матнлар мажмуаси**” туркумида “**Мақосид улалҳон**” асарини қайта нашр эттирди. Тақи Биниш нашрга қўлёзма матнидан ташқари муаллиф, асар ва мусиқага оид қўплаб маълумотларни илова тариқасида ҳам беради. “Тарчи мазкур китобнинг охирида келтирилган иловалар мукаммал ва етарли бўлмаса ҳам, Мақосид ул алҳонни тадқиқ этувчилар учун ас қотади, деган умиддамиз”, деб ёзади Тақий Биниш.

Тақи Бинишнинг ёзишича, “**Мақосид улалҳон**” авваллари босма нашр этилмаган экан. “Бироқ биздан аввал мазкур асардан бир қанча парчалар ўқувчилар ихтиёрига ҳавола этилган эди. Мен мўътабар маданий меросимизни сақлаш ва ўтмишдаги ҳамкасбларимнинг хизматларига чуқур эҳтиром этган ҳолда “**Мақосид улалҳон**”нинг аввалги жузъий нашрлар ҳақида маълумот беришни жоиз деб билдим:

Панжоб университети профессори Муҳаммадхон Шафий асарнинг XII бобининг бир фаслини Покистондаги “*Oriental College Magazine*” журналида (Покистон) нашр эттирган. Шунингдек, у мана шу фаслни эронлик доктор Нотил Хонларий раҳбарлигида Эрондаги “Сўхан” журналида ҳам нашр эттиради. Бошқа бир эронлик олим Доктор Жаҳон Беглу эса “*Мусиқа*” журналида (Эрон) Мақосид ул алҳон асарининг муқаддима ва мундарижа қисмини нашр эттирган”.

Тақи Бинишнинг нашри ўзининг мукаммаллиги билан бошқа нашрлардан ажралиб туради. Нашр матн ва ичидаги иловалари билан жами 243 бетни ташкил этади. Тақи Биниш нашр этиш жараёнида асл манбадан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилган. У бу борада шундай дейди: “Мен омонатга хиёнат қилмаслик ақидасига собит туриб нусхада нимаики бўлса, беками-кўст баён етдим. Матнга оид қисқа изоҳларни ёки бир қанча қиёсий тузатишларни ўз ўрнида ва ҳар саҳифанинг остида келтирдим. Китобдаги бадиий ва илмий қийинчилик туғдирадиган сўз ва сўз бирикмаларини мазкур китобнинг илова қисмида изоҳладим. Унга баъзи китоблар, исмлари матнда келтирилган инсонлар ҳақида қисқача тушунтиришлар қўшдим”.

Мазкур нашрда берилган илова қуйидагилардан иборат: Маълумотлар рўйхати (инсонлар, хонадонлар, жой номлари), қўшиқлар, чолғулар ва мусикий терминлар, матнда учрайдиган аҳамиятли сўз ва сўз бирикмалар. Шунингдек, форсча французча инглизча мусикий терминларнинг кичик луғати ҳам

берилади. Бу лугат манбани тадқиқ этувчилар учун ас қотади.

Мазкур мақоламиз Шарқ мусиқа оламида “Муаллими соний” номини олган Абдулқодир Мароғийнинг “**Мақосид улалхон**” асари ҳақида бўлиб, унда келтирилган маълумотлар Тақи Бинишнинг нашридаги маълумотларга таянилган. Бу асар ҳам тилшунослик, ҳам мусиқашунослик учун ўрганилиши керак бўлган тадқиқот объектлардан деб ҳисобласак, хато бўлмайди. Аслида, бу асар Эронда кенг ўрганилган ва ўрганилмоқда, тадқиқотлар ортидан арзигулик натижаларга эришилмоқда. Масалан, эронлик созанда Мажид Нозимпур асарнинг XII бобида тавсифи келтирилган **عركا** чолғусини қайта яшагга муваффақ бўлган. Бу чолғу ҳозирги кунда Техрондаги Мусиқа музейида сақланмоқда. Бу **عركا** чолғуси ҳақда асарнинг ўзида қуйидагича таъриф берилган:

“**اما ايکری آن همان حکم چنگ دارد اما فرق همین است که ملاوه ايکری چوب و از آن چنگ ريسمانست و بر روی ايکری چوب پوشانند و بر روی چنگ پوست**”

Аммо икри² у ўша чанг ҳукмидадир. Аммо фарқи мана шуки, икрининг муловийси (қулоги) чўп ва у чангдан рисмондир (тор) ва икрининг юзасига ёғоч қоплайдилар ва чангнинг юзасида тери бўлади.

Умуман олганда XII бобнинг бу фасли **فصل اول الّحان و مراتب أنّها** **“Олат ул алхон номлари ва уларнинг тартибланиши”** деб номланади. Бу фаслда бир қанча чолғу номлари ва тавсифлари берилган, масалан:

اما شش تاي و آن بر سه نوع بود اول آنک بشکل امرودى بود و کاسه آن هم چندان که کاسه عود باشد و شش وتر بر آن بندند چنانک هر دو و تورا بيک

² Бу чолғу Мақосид улалхон асарида **ايکری** ва **اکری** шаклларида учрайди. Араб ёзувида қисқа унлиларни тушиб қолиши сабабли бу сўз қандай ўқилиши аниқ эмас. Ҳар холда **икри** ёки **экри** шаклида бўлса керак.

آهنگ سازند پس حکم سه وتر باشد و بر ساعد آن پرده ها بندند. و نوع ثانی شش تایی بود که کاسه و ستح آن چندانک عود بود اما ساعد آن اطوال باشد از ساعد عود و اوتار برآن مثل اوتار نوع اول باشد. اما نوع ثالث آنک بر سطح آن از طرف فوق اوتار قصيره بحسب اقتضای ارادت مباشر باشد و اهل روم آنرا بسیار در عمل آورند

Аммо шештой ва у уч навадир. Биринчиси шуки, олмуруд шаклида эди ва унинг косаси ҳам бир қадар уд косасиники кабидир. Ва олти тор унга боғланади, чунонки, ҳар икки торни бир оҳангда созланади. Демак, унинг ҳукми уч тордир ва дастага пардалар боғланади. Аммо пардасиз бўлган соз дастасига пардалар боғланган созлардан акмал (комил) бўлади. Шештойнинг иккинчи тури борки, коса ва юзаси бир қадар уддак бўлади, аммо, унинг дастаси удниқидан бироз чўзикроқ бўлади ва торлар унда ҳам аввалги наф сингари бўлади. Аммо учинчи тури шуки, унинг юзасида юқори тарафдан калта торлар боғланади ва уларнинг истихоби (аккорд) мутлақот шаклида қилинади ва уларни жуфт боғлашади ва калта торлар адади бошқарувчининг (созгар) хоҳишига қараб бўлади ва Рум аҳли ундан кенг фойдаланишади.

Абдулқодир Мароғий умрининг катта қисмини Амир Темур ва Темурийлар саройида ўтказганлигини инобатга олсак, унинг асарларини тадқиқ этиш орқали Соҳибқирон ва унинг авлодлари давридаги сиёсий, ижтимоий, маданий аҳволдан тартиб тил вазияти ҳақида ҳам қимматли маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Бунинг учун аввало, асар форс тилидан ўзбек тилига мукамал таржима этилиши керак. Пировардида, бу таржима форс тилидан беҳабар илмий изланувчилар учун катта ёрдам бўла олади.